

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИД СОЛУВЧИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ТАСНИФИ

Анорбоев Амириддин Улугбек ўгли

Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси, ю.ф.б.ф.д.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14914186>

Аннотация

Ушбу мақола муаллифнинг “Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий жиҳатлари” мавзусидаги диссертациясига оид мақола ҳисобланади.

Мазкур мақолада муаллиф жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларни ўрганиш учун уларни таснифлаш зарурлигини асослаган, қонунчилик ва илмий томонидан ушбу мавзу ўрганилганлигини тадқиқ этган, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларни таҳлил қилган ва таснифлаган.

Ушбу мақола муаллифнинг кибержиноятлар ва киберхавфсизлик бўйича амалга оширилаётган ишларининг мантқиқий давоми саналиб, шахс, жамият ва давлатнинг кибермакондаги хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Калит сўзлар: *кибержиноят, киберхавфсизлик, тасниф, қонун, кибержиноятчилик.*

Амалдаги жиноят қонунчилигимизда кибержиноят тушунчаси белгиланмаган, бироқ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонунида кибержиноятчилик тушунчаси белгиланган бўлиб, унга кўра, кибержиноятчилик — ахборотни эгаллаш, уни ўзгартириш, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ва ресурсларини ишдан чиқариш мақсадида кибермаконда дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган жиноятлар йиғиндиси¹.

Демак, ахборотни эгаллаш, уни ўзгартириш, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ва ресурсларини ишдан чиқариш мақсадида кибермаконда дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган жиноят миллий қонунчилигимизга асосан кибержиноят саналади ва ушбу тушунчанинг энг самарали талқини биз томонимиздан илмий ишларимизда кўрсатилган бўлиб², уларда кибержиноятларнинг таснифи назарда тутилган ва улар орасида жамоат хавфсизлигига қарши кибержиноятлар ҳам бўлиб, бу жиноятлар миллий жиноят қонунчилигимизда аниқ тафсиқланмаган ва илмий жиҳатдан ҳам

¹ “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

² А. Анорбоев. Кибержиноятчилик: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. <https://lib.bimm.uz/items/9747>.

ҳали ўрганилмаган, тадқиқ этилмаган, фақатгина умумий қилиб кибержиноятлар ва киберхавфсизлик масаласи бўйича олимлар ва мутахассислар фикр юритишган холос. Айнан бу параграфнинг ўзига хос жиҳати ҳам шундай, яъни ҳали ўрганилмаган ва тадқиқ қилинмаган киберхавфсизликнинг бир йўналиши ҳақида тўхталиб ўтамиз. Жиноят кодексининг олтинчи бўлими “Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар”, – деб номланади ва ушбу бўлимдаги 1-3-иловадаги кибержиноятлар бугунги кунда амалга оширилмоқда, шунингдек, агарда технологиялар ривожини шу заминда кетса, бошқа моддалар билан ҳам кибержиноятлар амалга оширилиши мумкинлигини унутмаслик керак.

Мазкур жиноятларни таснифлашда қуйидаги муҳим мезонларга эътибор қаратиш керак, яъни ушбу жиноятлар кибержиноят сифатида амалга оширилаётган вақтда кибержиноятни амалга ошираётган субъект фақатгина мазкур жиноятни тартибга солувчи ижтимоий муносабатларни назарда тутувчи объектдан ташқари ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси, шу жумладан, ахборотлаштириш, телекоммуникация соҳасини тартибга солувчи ижтимоий муносабатларга таҳдид солади ҳамда ўз жиноятини ахборот-коммуникация технологиялари орқали амалга оширади, шу билан бирга, жиноят шахсдан ташқари жамият манфаатларига қарши қаратилган бўлади ва жиноят кибермаконда содир этилади. Айнан мана шу тўртта мезон жиноятнинг жамоат хавфсизлигига нисбатан кибермаконда содир этилаётган кибержиноят эканлигини тасдиқлайди.

Шу жиҳатдан олиб қарасак, жамоат хавфсизлигига қарши кибержиноятларни қуйидаги гуруҳларга таснифлаш мумкин, жумладан:

жамиятда шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи кибермаконда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки телекоммуникация ёхуд Интернет тармоғида содир этиладиган кибержиноятлар;

жамиятда шахсларнинг шаъни ва кадр-қиммати таҳдид солувчи кибермаконда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки телекоммуникация ёхуд Интернет тармоғида содир этиладиган кибержиноятлар;

жамиятда шахсларнинг шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларига таҳдид солувчи кибермаконда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки телекоммуникация ёхуд Интернет тармоғида содир этиладиган кибержиноятлар;

ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, ахборотлаштириш, телекоммуникация соҳасига оид кибержиноятлар.

Ушбу тўртта гуруҳдаги кибержиноятлар ўз навбатида икки хил шаклда содир этилиши мумкин:

ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган кибержиноятлар;

ахборот-коммуникация технологияларига нисбатан содир этиладиган кибержиноятлар.

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларни уларнинг содир этиш шакли, усули ва гуруҳига қараб эса, қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин: кибербуллинг жиноятлари;

жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи телекоммуникация ёки Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий кибержиноятлар;

рақамли технологиялар соҳасига қарши қаратилган кибержиноятлар.

Жиноят кодексининг 103-103¹, 110, 112, 115-115¹, 119, 121, 125, 126¹, 129, 136, 139-141², 143, 145-147, 150-151, 155-162, 165, 168-170, 173, 188¹, 192, 215-216, 229, 229², 239, 244-244¹, 244⁵-244⁶, 247-248¹, 251-253, 256, 258, 263, 265, 267, 271, 273-274, 277-моддаларида назарда тутилган жиноятлар кибербезорилик орқали содир этилади.

Жиноят кодексининг 120, 127, 127¹, 130, 130¹, 131, 133¹, 141², 149, 167, 171-172, 176-177, 185, 185¹, 186-186³, 189, 228, 242, 243, 244³, 248, 250-250¹, 251¹, 255¹, 278-моддаларида назарда тутилган жиноятлар жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи телекоммуникация ёки Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий кибержиноятлар ҳисобланади.

Жиноят кодексининг 278¹-278⁹-моддаларида назарда тутилган жиноятлар эса, ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳасида ёки рақамли технологиялар соҳасида содир этилади.

Шу ўринда савол бўлиши мумкин, юқорида саналган жиноятлардан ташқари бошқа кибержиноятлар жамоат хавфсизлигига қарши кибержиноят саналмайди. Бизнинг амалдаги қонунчилигимиз бўлган Жиноят кодексининг 4-моддасига асосан, содир этилган **қилмишнинг жинойлиги**, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари **фақат Жиноят кодекси билан белгиланади**. Демак, қачонки бошқа ижтимоий хавфли қилмишлар Жиноят кодексимизда белгилансагина биз уни жиноят деб атай оламиз ҳамда бунинг учун жавобгарлик масаласи кўтарилиши мумкин, бу қоида кибержиноятларга ҳам тааллуқлидир. Шунга кўра, 1-3-иловага мувофиқ кибержиноятларнинг тавсифини беришда уларнинг Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидаги ҳолати ҳам қайд этилган. Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларни объектига қараб таснифлаш орқали бу жиноятлар ҳақида аниқроқ тушунчага эга бўлиши мумкин. Бу тоифадаги кибержиноятларни қасд шаклига қараб, содир этилиши усулларига қараб ҳам тоифалаш мумкин. Бироқ, миллий жиноят қонунчилигимиз объектига қараб жиноятга оид моддалар кодексда назарда тутилганлиги боис, уларни объектига қараб ўрганиш самаралироқдир.

Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига оид кибержиноятларни таснифлаш ва квалификация қилишда иккита қонунчилик керак, яъни бу тоифадаги жиноятлар ҳар доим ҳам битта шахсга қаратилмаган бўлади, қаратилган тақдирда ҳам бу шахс орқали жамият манфаатлари зарар кўриши мумкинлигини кибержиноятчи олдиндан билади, иккинчидан бу тоифадаги кибержиноятларнинг асосий мақсади фойда олишни эмас, балки безорилик характери асосий мақсадга ошириш ёки ўзини кўрсатиб қўйишга ҳам оид бўлиши мумкин. Мисол учун, қуйидаги кибержиноятларни содир этар экан шахснинг асосий мақсади одатда безорилик ёки ўзини кўрсатиб қўйиш ёхуд ўзини бошқалар эътирофи этишини хоҳлаб ушбу жиноятни содир этиши мумкин, яъни:

ЖКнинг 247-моддасида назарда тутилган ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, яъни тармоқ орқали масофадан бошқарувни қўлга киритиб, бу қуроллардан учинчи шахс сифатида ўзаро низолашаётган тарафлардан бирига қўмаклашиш ёки ўч олиш мақсадида ҳам содир этилиши мумкин ва бунда жиноятчининг асосий мақсадида бу қуролларни эгаллаш эмас, балки бу қуроллардан фойдаланиб бошқа субъектларга таҳдид қилишга қаратилган бўлади ва шу сабабли ҳам бу тоифадаги жиноятларни квалификация қилишда мақсад ва мотив масаласига аниқлик киритиш керак.

Жиноят кодексининг 248¹-моддасида назарда тутилган учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини бузиш жиноятини содир этар экан масофадан туриб, бу турдаги қурилмаларни кибержиноятчи бошқаришни қўлга киритиш ёки уларнинг бошқарув фаолиятига четдан таъсир кўрсатиб ёхуд вирус орқали унинг бошқарув тизимига четдан аралашиб, қўнгилхушлик, қасдан ваколатли идоралар фаолиятига тўсқинлик қилиш, уларга нисбатан безорилик жиноятини амалга оширишни кибержиноятчи мақсад қилган бўлади. Жиноят кодексининг 277-моддасида безорилик жиноятининг таърифини белгилашда қонунчилик безорилик кибержиноят ҳолатида ҳам содир этилиши мумкинлигини инобатга олмаган, шу сабабли ушбу моддага тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритулгунига қадар шахснинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 278¹-278⁷-моддаларида назарда тутилган жиноятлар билан бир қаторда асосий жиноят билан моддаси билан ҳам квалификация қилиш керак. Бироқ, судлар жазо қўллаш вақтида бу турдаги жиноятнинг содир этилиши оқибатида жамият манфаатларига қанчалик зарар келтирилганлигини инобатга олишлари лозим.

Жиноят кодексининг 250-моддасида назарда тутилган портлаш хавфи бўлган моддалар ёки пиротехника буюмларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш жинояти асосан таҳдид орқали мўмайгшина пул ишлаб олиш ёки ўч олиш мақсадида содир этилади. Иккала ҳолатда кибержиноятчи жабрланувчидан молиявий ёки номулкий манфаат кўришни мақсад қилиши ҳам мумкин.

Жиноят кодексининг 250¹-моддасида назарда тутилган пиротехника буюмларининг қонунга ҳилоф муомаласига оид жиноят асосан рақобатчини обрўсизлантириш мақсадида содир этилади ёки ўч олиш мақсадида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Жиноят кодексининг 251-255¹-моддасида назарда тутилган модда ёки материалларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш жинояти мазкур моддаларни эмас, балки улар сақланган контейнер ёки улар сақланаётган омбор мафофавий бошқарув орқали таҳдид йўли билан содир этилади.

Жиноят кодексининг 255²-моддасига асосан, нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини яроқсиз ҳолатга келтириш одатда масофадан туриб бошқарувни қўлга киритиш ёки мазкур қувурлар автоматик ёки ахборот тизими орқали бошқалариладиган бўлса, вирус юбориш орқали ёки бошқача қонунчиликка ҳилоф ҳаракатлар орқали халақит бериш йўли билан содир этилади.

Жиноят кодексининг 267-моддасида назарда тутилган транспорт воситасини олиб қочиш жиноятини квалификация қилишда уни робот ёки масофадан туриб олиб қочиладиган бўлса, ушбу вазиятда кимни жавобгарликка тортиш керак деган масала бахсли саналади, бу ҳолатда қонун аналогияси бўйича Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс талабидан келиб чиқадиган бўлсак, роботга нисбатан мулкдор ёки агарда у айбсиз бўладиган бўлса, роботни ким фойдаланган бўлса, ўша субъектни жавобгарликка тортиш мақсадга мувофиқдир.

Жиноят кодексининг 278-моддасида назарда тутилган қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш жинояти қачонки тармоқда содир этилсагина унинг иштирокчилари маъмурий жавобгарликка, уни ташкил қилган субъект эса, жинойий жавобгарликка тортилади.

Хулоса қилиб айтганда, жамоат хавфсизлигига ва жамоат тартибига қарши кибержиноятлар безорилик, ўзини кўрсатиб қўйиш, моддий ёки номулкий эҳтиёжни қўрқтиш ва таҳдид орқали амалга ошириш йўли билан содир этилади. Бу тоифадаги барча жиноятлар қасддан содир этилади, эҳтиётсизликдан мазкур қилмишнинг вужудга келишига сабабчи бўлган шахслар эса, мансабдорлик ёки лавозим мажбуриятларига оид жинойий ва интизомий ҳамда мулкый жавобгарликка тортилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
2. “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
3. А. Анорбоев. Кибержиноятчилик: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. <https://lib.bimm.uz/items/9747>.